

37.013
17-18.

М.М. Наринцева

БҮҖЛАЖАК ҰҚИТУВЧИЛАРДА АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТТІЛІКНИ ШАҚІЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

(Методология)



34. 013
7-18

М.М. Парпиева

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА
АУТОПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(5112100 - "Технологик таълим" таълим
йўналиши мисолида)**

(Монография)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'LY TALIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

"КАМОЛЮТ" нашриёти
Чирчиқ – 2023

УЎҚ: 37.013
КБК: 74.03(2)
П 18

Парпиева Малика Моминовна, Бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш методикаси (5112100 - "Технологик таълим" таълим йўналиши мисолида). // [Матн]: монография / М.М.Парпиева - Бухоро: "БУХОРО ДЕТЕРМИНАНТИ" МЧЖнинг Камолот нашриёти, 2023. - 160 б.

Маъмур монографияда муаллифнинг бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш мўлқимосининг илмий-методик асосларини яратиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнига акмеологияларни жорий қилиш методикасини такомиллаштириш, инновацион таълим муҳити шароитида талабаларда касбий кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқариш зарурати ҳақидаги қарашлар келтирилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда аўтопедагогик компетентлиқни шакллантириш методикаси (5112100 - "Технологик таълим" таълим йўналиши мисолида)га доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография олий таълим муассасаларида фаоллиги оғиб бораётган профессор-ўқитувчилар ҳақида талабалар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Г.О.Эрназарова – Чирчиқ давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори (DSc);

М.Ф.Ҳакимова – Тошкент давлат иқтисодий университети профессори, педагогика фанлари доктори.

ISBN: 978-9910-9683-9-6

Ушбу монография Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2023 йил 15-май 8-сонли йиғилишида наизга тасвир этилган.



© "КАМОЛОТ" нашриёти
© М.М. Парпиева

КИРИШ

Жахон таълим тизими таракқиётда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларда креатив, ностандарт, мустикал ва фаол ижодий фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш ва индивидуал касбий шакллантириш даражасини оширишга эътибор кўчаймоқда. Иқтисодий камкорлик ва ривожланиш таъкилотининг PIRLS халқаро таъкилотларида "Бозор иқтисодиётга даъқатли, мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқийдиган ўқувчиларни тарбиялаш" таълим мазмунига кўйлаётган замонавий талабалар сифатида қараймоқда. Бўлажак мутахассисларни касбий ва шахсий компетентлигини қарор топтириш, уларни касбий фаоллиятта тийёрлаш технологияларини ривожлантириш, касбий етуқликка эришиш жараёнини такомиллаштиришнинг амалий механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак мутахассисларда касбий компетентлиқни шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлиқни қарор топтириш механизмларини яратиш, уларни аўтопедагогик компетентлик асосида касбий ривожлантириш, таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш, педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақият қўллаш, замонавий педагогик ёндашувларни амалиётга таъкиқ этиш борисидати фундаментад таъкиқотлар ва амалий лойиҳаларга бўлган зарурат ортмоқда.

Республикамиз педагогик ОТМда таълим жараёнини компетентлиаий ёндашув асосида таъкиқ қилиш ва "2030 йилга келиб PISA халқаро микёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингни бўйча жахоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатни қаторига қиришга эришиш"¹ халқ таълими тизимини стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу эса бўлажак ўқитувчиларни касбий фаоллиятга таъёрлаш жараёнларининг мазмунини илмий-амалий ва

¹ Ўзбекистон Республикасини Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 5712-сон фармони // Қонун ҳужжатлари йиғинида таъкиқ қилинган, 29.04.2019 й.

методик жиҳатдан тақомиллаштириш, хусусан, талабаларда аутопедагогик компетенцияни шакллантириш, уларнинг илмий-касбӣй дунёқарашини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо қилади. Олий педагогик таълим олдидати мазкур тизимли муаммолар бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетенцияни шакллантириш орқали касбӣй лойиҳалаштириш фаолиятига тайёрлаш, ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш, дидактик таъомиллар методикасини тақомиллаштириш ҳамда илмий хорижий тажрибаларни олий таълим тизимига татбиқ этиш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларнинг долзарб аҳамиятини белгилайди.

Монография Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги, ПК-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПК-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Республикада ўқитувчиларнинг касбӣй компетенцияларини ривожлантириш, педагогик таълимга компетенциявий ёндашуви таъбиқ қилиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнларини таъбиқ қилиш масалалари маҳаллий олимлар: С.С. Бабаджанов, О.Ғ. Давлатов, Я.У. Исмаилов, Ш.Н. Муслимов, А.Х. Махмудов, Ф.Т. Раббимова, Ю.Э. Раҳимова, К.Д. Рисулова, Х.Ш. Қадиров, О.А. Қўйсенов, А.Ғ. Эминов каби олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида компетенциянинг илмий-назарий асослари М.В. Болина, Д.В. Голубин, Г.А. Демакова, Е.Ю. Зиминова, Е.П. Кузнецова, С.В. Курашева, А.А. Базинова, аутопедагогик компетенциянинг ўрнига хос хусусиятлари ва уни тақомиллаштириш муаммолари Н.Ю. Масов, О.М. Шиян, Р.М. Юсупова, А.И. Ахлукова, Ю.В. Варданян, Г.С. Валикова, Р.Х. Гильмеева, О.А. Козырева, Г.А. Крюкова, Н.Д. Москвитина, А.В. Райков, Е.А. Садовская, Н.М. Славина, П.П. Тереховларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Хорижий олимлардан К.О. Вауер, В.Д. Вастан, W. Helsper, С.Даш, S. Blom, M. Rogalla, D.S. Rycken, L. H. Salganik, S. Reif, L. Riquau, M. Wagner, B. Koster, J. J. Dengertik каби олимларнинг ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёрлиги мислиси; M. Schatz, I. Schittleser, P. Forthuber, G. Rahr, A. Pascha, A. Seel, S. Gifford, D. Hutchinson, L. A. Sundberg ва бошқаларнинг илмий изланишларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбӣй ва аутопедагогик компетенциясини тақомиллаштириш муаммоси замонавий педагогик ёндашувлар, хусусан, компетенциявий ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг аутопедагогик компетенциясини шакллантириш муаммосининг илмий-методик асосларини яратиш, замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим жараёнига педагогик таълим жараёнига жорий қилиш методикасини тақомиллаштириш, инновацион таълим муҳити шароитида талабаларда касбӣй кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини янада таъбиқ этиш зарурати мазкур монография мавзусининг долзарб аҳамиятини белгилаб берилади.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетенцияни шакллантиришнинг касбӣй фаолиятга тайёрларлик тузилмаси мотивацион, коммуникатив, ижодий ва гностик компонентлари асосида педагогик жараёнинг узвийлик, кўргазмалilik каби дидактик ва ўзаро ёрдам каби социологик муҳитида қайта алоқали муносабатда қўллаш асосида тақомиллаштирилган;

- аутопедагогик компетенциянинг жараёни, муаммолар, таъбиқий-технологик, натижавий-мезонли қўрсаткичлари, ўқув жараёни моделилаштиришнинг операцион-технологик, когнитив-дидактик, рефлексив-баҳолаш босқичлари-

да социологик ва кибернетик ўқув топириклари ўйғунлигини квалитетрик нисбатда таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

таъбабаларни касббй фаолиятта тайёрлашнинг илмий-методик ва дидактик таъминоти акметехнологиялар ва электрон ўқув контентнинг графикал моделларини мустақил кайта ишлаш мунсабатиди кўллаш асосида такомиллаштирилган;

технологик таълим йўналишида таъбабаларни касббй фаолиятта тайёрлаш методикаси бўлажак ўқитувчининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган акмеологик моделни спиралли ўқитиш жараёнида шахснинг психологиологик захираларидан фойдаланишга устуворлик берилган мухитда кўллаш асосида такомиллаштирилган.

Монографиянинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: бўлажак ўқитувчиларда замонавий педагогик ёндашувлар асосида аутопедагогик компетентликини шакллантириш самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чикилган; бўлажак ўқитувчиларини инновацион касббй фаолиятта тайёрлашнинг методик таъминоти сифатида “Халк хунармандчилиги” фанидан ўқув дарслиги ва фаннинг электрон таълим ресурси яратилган;

бўлажак ўқитувчиларда аутопедагогик компетентликини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чикилган;

бўлажак ўқитувчиларини касббй фаолиятта тайёрлашда аутопедагогик компетентликини шакллантириш бўйича дастурий таъминот ва методик тавсиялар мажмуаси ишлаб чикилган.

Монография натижаларининг илмий аҳамияти инновацион фаолиятнинг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Монография натижаларининг амалий аҳамияти “Халк хунармандчилиги” фанидан дарслик, ўқув кўлланимлар, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларни касббй фаолиятта тайёрлашда аутопедагогик компетентликини шакллантиришнинг методик таъминоти, электрон таълим ресурсидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Монографиянинг назарий ва амалий натижаларининг иборитлиси 7 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда мухокамадан ўтказилган.

Монография бўйича жами 19 та илмий иш, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий ишларда 8 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ва 3 таси қоржикий журналларда нашр этилган.

Монография кириш, уч бооб, хулоса, 120 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.